

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

339 2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси магистратурасига қабул
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг молия, банк ва солиқ тизимлари ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори айрим тармоқлари ва корхоналарида инвестиция фаолияти учун юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига мутахассисликлар кесимида қабул квоталари 1-иловага мувофиқ;

«Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)» мутахассислиги бўйича қабул квоталарининг иқтисодиёт реал сектори айрим тармоқлари ва корхоналари кесимида тақсимланиши 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси Қабул комиссиясига Академияга кириш жараёнида магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳолалини ҳисобга олган ҳолда Академиянинг қабул кўрсаткичларига белгиланган умумий квоталар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 июнь,
172-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 29 июндаги 172-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
магистратурасига 2015/2016 ўқув йилида қабул
КВОТАЛАРИ**

Т/р	Мутахассислик шифри	Мутахассисликлар номи	Жами	Шу жумладан	
				давлат гранти	тўлов-контракт
1.	5A 230701	Банк иши (фаолият турлари бўйича)	55	18	37
2.	5A 230702	Банк ҳисоби ва аудит	12	5	7
3.	5A 230603	Инвестицияларни бошқариш (банк сектори учун)	29	7	22
4.	5A 230603	Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)	16	5	11
5.	5A 230601	Давлат молиясини бошқариш	31	15	16
6.	5A 230602	Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори	7	2	5
7.	5A 230902	Аудит (молия соҳасида)	5	3	2
8.	5A 231201	Суғурта иши	10	-	10
9.	5A 231301	Пенсия иши	15	10	5
10.	5A 230801	Солиқлар ва солиққа тортиш	20	10	10
		Жами	200	75	125

Изоҳ: «Давлат молиясини бошқариш» мутахассислиги бўйича давлат гранти асосида 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги учун, «Пенсия иши» мутахассислиги бўйича давлат гранти асосида 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги учун мақсадли равишда ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 29 июндаги 172-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)»
мутахассислиги бўйича қабул квоталарининг иқтисодиёт
реал сектори айрим тармоқлари ва корхоналари кесимида
ТАКСИМЛАНИШИ**

Т/р	Вазирлик, идора ва корхоналарнинг номлари	Жами	Шу жумладан	
			давлат гранти	тўлов-контракт
1.	Иқтисодиёт вазирлиги	1	1	—
2.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	2	2	—
3.	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	1	1	—
4.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	2	1	1
5.	«Ўзавтосаноат» АК	1	—	1
6.	«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК	2	—	2
7.	«Ўзбекнефтгаз» МХК	3	—	3
8.	«Ўзметкомбинат» АИБ	1	—	1
9.	«Навоий КМК» ДК	2	—	2
10.	«Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» АЛК	1	—	1
	Жами	16	5	11

Изоҳ: «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонасидан номзодларга «Давлат молиясини бошқариш» мутахассислиги бўйича ҳам танловда иштирок этишга рухсат берилади.